Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
19 ДЕКАБРЬ 1970 Й
ШАНБА
№ 297 (1365).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

● *Вақтдан ўзганлар*

КЎЗГУ УСТАЛАРИ ЗАФАРИ

КПСС XXIV съездини муносиб кутиб оламиз!

Шаҳримиздаги ойна-мебель фабрикасининг коллективи юбилей йилида баракали меҳнат қилди. Корхона ишчиларининг фидокорона меҳнати туфайли, ишлаб чиқаришда яхши натижаларни қўлга киритилди. Корхона куни-кеча йиллик планни бажарди.

Ойна-мебель фабрикаси—мебель саноати ва ёғочни қайта ишлаш бошқармаси корхоналарининг Ўзбекистондаги ихтисослашган корхонасидир. Унинг асосий вазифаси республика мебель саноати корхоналари учун кўзгулар ва ойна буюмлари ишлаб чиқаришдан иборат.

Коллектив аъзолари беш йилликлар мобайнида яхши натижаларни қўлга киритдилар. Корхона ишчилари бундан бир ой, муқаддам, беш йиллик топшириқ бажарилганлиги ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекдилар. Улар ўз ички имкониятларини чамалаб чиқиб, пландан ташқари яна 400 минг сўмлик буюм тайёрлашга аҳд қилишди. Зиммага олинган бу янги мажбурият шараф билан бажариляпти.

Шуни таъкидлаш керакки, беш йилликлар даврида буюмларнинг бир неча янги хиллари ўзлаштирилди. Идора столлари устига қўйиладиган қалин ойналар, маъмурий хўжалик биноларининг эшикларига ишлатиладиган табличкалар шулар жумласидандир.

Корхонада янги техника ва илғор технологияни кенг жорий этишга катта аҳамият бериляпти. Ўтган давр ичида бешта вакуум установкаси ўрнатилди. Амалга оширилган ташкилий-техника ва ий тадбирлар туфайли, ойнанинг сифати яхшиланди, маҳсулот таннархи анча камайди.

Корхонанинг бугунги кунда эришган меҳнат зафари ҳақида гапирганимизда, биринчи галда унинг ажойиб кишилари ҳақида ҳам тўхталамиз. Ҳа, корхонада ажойиб мутахассислар вояга етди. М. Абдиев, М. Умеров, Ф. Кузнецов, Л. Алимова сингари пешқадам ишчилар шу кунларда 1971—72 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг кўксини «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали безаб турибди.

Фабриканинг истиқболи янада порлоқ. Келгуси беш йилликда янги ихтисослашган фабрика қурилиши кўзда тутилаяпти. Унинг фойдаланишга топширилиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини тўрт баравар ошириш имконини беради. Шунингдек, маҳсулот тури ҳам кўпаяди.

Коллектив аъзолари съездолди меҳнат вахтасида туриб социалистик мусобақани кун сайин қизитмоқдалар.

ОЛДИНГИ САФДА

Ҳамза райони меҳнаткашлари шаҳримизда биринчи бўлиб беш йиллик топшириқни бажарган эди. Улар юбилей йили саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини ҳам биринчи бўлиб адо этиб, катта ютуққа эришдилар.

Йиллик топшириқларни анча илгари бажарган 2-ун комбинати, Қўйлиқдаги кўприкбоп ва темир-бетон буюмлар эксперименталь заводи, газ аппарат заводи, пластмасса буюмлари фабрикасининг коллективлари район саноати корхоналари ўртасида бошланган социалистик мусобақанинг олдинги сафида бормоқда.

ЮКСАК КЎРСАТКИЧЛАР

16 декабрда марказий универсал магазини коллективи товар оборот йиллик планини муддатидан олдин муваффақиятли бажардилар. Аҳил коллектив янги йилга қадар ҳамшаҳарларимизни яна 5,3 миллион сўмлик товар маҳсулотларини реализация қилишга қарор қилдилар.

Ўтган беш йиллик давомида бу йирик савдо корхонасининг рентабеллиги икки бараварга ортди. Умумий товар оборати ҳажми эса 60 процентга ўсди. Биргина шу йилнинг ўзида магазин уч миллион сўмдан ортиқ фойда келтирди.


ЦУМ ходимлари бундай ютуқларни тобора яқинлашиб келаётган партиямизнинг XXIV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани намунали йўлга қўйганликлари туфайли эришдилар.

НУРГА ТЎЛА ШАҲАР

«Ўзэнергосбит» ишлаб чиқариш бошқармаси пойтахтга юбилей йилида қанча нур сарф бўлганлигини ҳисоблашга киришди. Дарҳақиқат, шаҳримиз 1970 йилда нурга чўмди. Барча саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, хонадонларда Ильич нурлари порлади, у ҳар бир ишнинг олга силжишида ёрдам берди.

1966 йили 1,3 миллиард киловатт-соат электр энергияси сарфланган бўлса, юбилей йилида бу рақам 1,7 миллиард киловатт-соатга етди. Саноат корхоналари ишлаб чиқариши учун беш йиллик мобайнида 950 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлатилди. Хонадонларда 220 миллион киловатт-соат нур порлади. Бу эса беш йилликнинг биринчи йилига қарағанда, 1,5 баравар кўпдир.

Пойтахтга Ильич нурлари асосан Бўзсув ГЭСи ва Тош-ГРЭСдан оқиб келади. 1926 йил 1 майда ишга тушган Бўзсув электр станциясининг қуввати 4 минг киловатт-соат эди. Тош-ГРЭСнинг қуввати эса бир миллион 800 минг киловатт-соатга етди.



Ўрта Осиё табиий газ илмий-текшириш институтининг газ транспорти лабораториясида.

СУРАТДА: катта илмий ходим В. И. Толсова ихтисослаштирилган ҳисоблаш машинасида ҳисоблаш ишларини олиб бормоқда.

И. Глауберзон фотоси.

* *Давр нафаси*

БИРИНЧИ ФОТО КЎРГАЗМА

Турли сана ва воқеалар муносабати билан жойларда санъат кўргазмаларн ташкил этилади. Фотосуратлар кўргазмасн ҳам кишиларда қизиқиш уйғотади.

Дарвоқе. Тошкентда биринчи бор фотосуратлар кўргазмаси қачон ва қаерда очилган!

«Туркестанские ведомости» газетасининг 1899 йилдаги сонларидан бирида босилган хабар бу жумбоқни ҳал қилиш имконини берди. Газета бундай фотокўргазма ўша йили шаҳримизнинг марказий хиёбонларидан бирида очилганлигини маълум қилади.

Кўргазмада ҳаваскор суратчиларнинг тўрт мингга яқин суратлари намойиш қилиниб, уларда Туркистон ўлкасининг ўтмиши акс эттирилган эди.

Тўпланган маълумотлар мутахассисларнинг архив материалларига мурожаат қилишини тақозо этди. Тошкент Давлат университети илмий кутубхонасида махсус тузилган каталог, Ўзбекистон ССР Давлат архивида сақланаётган айрим ҳужжатлар газета маълумотини тўла тасдиқлади.

Ўзбекистон халқлари тарихи музейида эса ўша кўргазма экспонатлар сақланяпти. 1900 йилда Тошкентда фотография ҳаваскорлари шаҳар жамияти кучи билан ташкил этилган кўргазма эса Паржжга юборилган. Орадан икки-уч йил ўтгач, кўргазма экспонатлари яна Тошкентга олиб келинган.

Бу фотосуратларнинг муаллифларидан бири С. Юдин кенг танилган рассом-ўлкашунос эди. У кейинчалик Тошкент ўлка бадиий мактабининг биринчи ўқитувчиларидан бўлди.

Бугун

БИРИНЧИ ФОТОКЎРГАЗМА МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА МУЗЕЙДА АЛОҲИДА СТЕНД ТАШКИЛ ЭТИШГА КИРИШИЛДИ.

МАҚТОВГА САЗОВОР

Тошкент шаҳар йўл қурилиши ва ремонти трестига қарашли 1-қурилиш-ремонт бошқармасининг ишчи-хизматчилари юбилей йилида 720 минг квадрат-метр кўча ва тротуарга асфальт ётқиздилар.

Юбилей йилига планлаштирилган уч миллион, икки юз минг сўмлик ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини бажарган бошқарма коллективи **йиллик планни ҳамда партия XXIV съезди шарафига қабул қилинган оширилган социалистик мажбуриятни шараф билан бажарганлиги ҳақида ғалаба рапорти берди.**

Иш жараёнларининг кенг механизациялаштирилганлиги, техникадан унумли фойдаланилганлиги туфайли меҳнат унумдорлиги 15 процент ортди. Р. Усмонов ва Р. Аҳмедов бошлиқ участка меҳнаткашлари қилган ишлар, айниқса, мақтовга сазовордир.

Бугун



СУРАТДА: Тошкент тўқимачилик институтининг V-курс студенти М. Хонкелдиева. У институт қошидаги ишлаб чиқариш лабораториясида ишлаб кунлик планни 120—130 про цент қилиб адо этмоқда.

М. Тўйчиев фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

▲ 17 декабрда Тошкентдан Афғонистонга совет ирригаторларининг делегацияси учиб кетди. Делегацияга СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Е. Е. Алексеевский бошчилик қилмоқда.

▲ 17 декабрда Катта Кремль Саройида еттинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг саккизинчи сессияси ўз ишини бошлади.

ҚИЗИҚИШ КАТТА

Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш шаҳар халқ университети очилганига икки йил бўлди. Бу давр ичида маданият ўчоғи кенгайиб, фаолияти анча жонланди.

Ўзбекистон ССР илмий-техника ахбороти ва пропагандаси институти ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш республика совети томонидан ишлаб чиқилган тавсия ва программалар университет машғулотларини олиб боришда қўлланма бўлмоқда.

Университетда бўлимлар ҳам ишлаб турибди. Химия - фармацевтика заводи ҳузуридаги бўлим машғулотларига тингловчилар актив қатнашмоқдалар. Бу ерда «Меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг йўналиши ва асосий вазифаси» деган темада лекция ўқилди.

Вокалчилар совриндор

Куни-кеча физкультура институти қошидаги вокаль-чолғу ансамбли республика комсомоли Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Ансамбль юксак мукофотга ўзининг ранг-баранг номерлари томошабинларга манзур бўлганлиги учун эришди.

Юбилей йилида ана шундай ансамбларнинг республика кўригида ҳам физкультура институти вокалчилари юқори кўрсаткичга эришдилар. Улар ўзларининг ранго-ранг номерлари билан пойтахт ва Сирдарё областлари пахтакорларини мамнун этишган эди.

Шу кунларда йигирма кишига яқин вокалчилар янги йил концерт программасини тайёрлашяпти.

Ижодий ютуқлар билан

Ю. А. Гагарин номидаги тўқимачилар маданият саройи ҳар доим ёшлар билан гавжум бўлади. Бу ердаги турли тўгаракларда юзлаб йигит ва қизлар шуғулланяпти. Айниқса, маданият саройидаги ўзбек халқ рақс ансамблининг фаолияти диққатга сазовор. Бу тўгаракда Ўзбекистон ССР халқ артисти Маргаритахоним Оқилова бошчилигида М. Орипова, Н. Головлева, Д. Файзуллаева, Д. Раҳматуллаева каби ҳаваскор қизлар дилрабо рақслар ўрганаяптилар. «Бухорча», «Уйғурча», «Тожикча», «Арабча», «Дугоналар», «Гўзал қизлар», «Уйна гулим», «Дилнавозим», «Ғайратли қиз», «Дутор баёти», «Оразибон», «Пилла» сингари турли рақслар бу ансамблнинг репертуаридан кенг ўрин олган.

Маданият саройидаги А. Юнусов раҳбарлигидаги халқ театрида ҳам қизғин иш олиб бориляпти. Театрда В. Шекспирнинг «Макр ва муҳаббат», Н. Сафаровнинг «Шарқ тонги» каби асарлари муваффақият билан саҳналаштирилиб, намойиш этиляпти. Ҳозир театр коллективи татар драматурги Х. Вохитнинг «Биринчи муҳаббат» асарини саҳналаштирмоқда. Коллектив спектаклни янги йил арафасида томошабинлар эътиборига ҳавола қилиш ниятида.

МЕҲНАТ КАЛЕНДАРИДА КЕЛГУСИ ЙИЛ

Пойтахтимиздаги баланд биноларни қуриш билан шуғулланадиган 11-«Висотстрой» трести коллективи юбилей йилини меҳнатда улкан ғалабалар билан якунлаяпти.

КПСС XXIV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани кун сайин кучайтираётган бунёдкор коллектив йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини беш пудрат бўйича 103,1 процентга етказиб бажарди.

Йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этган аҳил коллектив ҳозирги кунда ўзаро социалистик мусобақани қизитиб, бўлажак съездни муносиб янги муваффақиятлар билан нишонлаш иштиёқида фидокорона меҳнат қилишяпти.

● *Яхши дам—меҳнатга ҳамдам*

Меҳнаткашлар ороми

Бу йил республикамиз меҳнаткашлари ўзларининг меҳнат отпускаларини мазмунли ўтказдилар. Жуда кўп кишилар турли жойларда саёҳатларда бўлдилар ва санаторийлар ҳамда дам олиш уйларида ором олдилар.

Республика курортлар бошқармасидан мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилишди. Шу йил ҳаммаси бўлиб 146 мингга яқин кишига ҳар хил путёвкалар тарқатилди. Корхоналар, қурилишлар ва муассасаларнинг ишчи-хизматчилари Совет Иттифоқининг марказий курортларида, санаторий ва дам олиш уйларида ҳамда Ўзбекистондаги оромгоҳларда ҳордиқ чиқардилар: «Қибрай», «Октябрь X йиллиги», «Бурчмулла», «Кумушкон», «Сўқоқ», «Фаргона» дам олиш уйлари, «Чортоқ», «Ботаника» «Луначарск», «Чимбой», Кисловодскдаги «Ўзбекистон» санаторийлари йил бўйи дам олувчилар билан гавжум бўлди. Бундан ташқари бир кунлик ва икки кунлик дам олиш уйларига ўн мингга яқин путёвка тарқатилди.

Ҳозирги кунда институтда таълим олаётган студентлар орасида юздан ортиқ спорт мастери ва ўттизга яқин республика ва мамлакат терма командаларининг аъзолари бор.

* *Янги йил тараддуди*

ҚИШКИ КАНИКУЛЛАР ЯҚИНЛАШМОҚДА

Ўзбекистон мактабларида қишки каникул яқинлашмоқда. Болаларнинг дам олиши қандай уюштирилади? ЎзТАГ мухбири республика касаба союзлари советига шу савол билан мурожаат қилди. Унга қуйидаги жавобни беришди:

Болаларнинг маданий дам олиши учун ишчи ва қишлоқ клубларида, маданият уйлари ва саройларида янги йил арчалари ўтказилади. Тематик эрталикларда кўпгина мароқли программалар белгиланди. Юқори синф ўқувчилари учун эса байрам баллари, донгдор кишилар билан қизиқарли учрашув кечалари ўтказилади. Спорт мусобақалари, эсдалик жойларга, корхоналарга, музейларга экскурсиялар уюштирилади.

«Октябрь X йиллиги», «Қибрай» ва «Қизилқўргон» дам олиш базаларида минглаб ортиқ бола дам оладиган қишки пионер лагерлари очилади.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

КУБАДА СОВЕТ КИТОБЛАРИ ВИСТАВКАСИ

ГАВАНА. (ТАСС). Гаванадаги энг катта китоб магазини «Лало карраско»да совет китоблари виставкаси очилди. Бу виставка В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган бўлиб, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Матбуот давлат комитети билан Куба китоблар институти томонидан ташкил этилган.

Виставкада ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий ва болалар адабиётидан иборат ҳаммаси бўлиб уч мингдан ортиқ китоб намойиш қилинмоқда.

Ленин асарлари жуда кўп қўйилган. Улар орасида 55 томлик «В. И. Ленин асарларининг тўла тўплами», шунингдек Ильичнинг энг машҳур айрим асарлари бор. Совет ёзувчиларининг халқ хўжалигини ривожлантиришда Ленин ғояларининг роли ва аҳамиятини акс эттирувчи китоблари ҳам намойиш қилинмоқда.

БЕРЛИНДА БЎЛАДИГАН УЧРАШУВГА ДОИР

БЕРЛИН. (ТАСС). АДН агентлигининг хабар беришича, Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети ҳузуридаги бош секретарь М. Коль Германия Федератив Республикасининг федерал канцлери маҳкамасининг бош секретари Э. Барни учрашув ўтказмоқ учун ГДР пойтахти—Берлинга таклиф қилди. Учрашув шу йил 23 декабрда ўтказилиши керак.

БОНН. (ТАСС). Германия Федератив Республикаси федерал канцлери маҳкамасининг бош секретари Э. Бар Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети ҳузуридаги бош секретарь М. Колнинг шу йил 23 декабрда Берлинда ўзаро учрашув ўтказиш тўғрисидаги таклифини қабул қилганлигини Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг вакили бу ерда эълон қилди.



Германия Демократик Республикасининг шаҳар кўчаларида Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган машиналарни кўплаб учратиш мумкин. Ўзаро савдо битимига биноан СССР ГДРга енгил ва юк машиналарини етказиб бермоқда.

СУРАТДА: «Москвич» ва «Волга» машиналари Берлининг Александрплац майдонида.

АДН—ТАСС фотоси.

КИПР КАСАБА СОЮЗЛАРИ САФИ ЎСМОҚДА

НИКОЗИЯ. (ТАСС). Сўнгги вақтларда Умум Кипр ишчилар ташкилотининг — мамлакатдаги энг катта касаба союз бирлашмасининг сафи жуда тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Бу бирлашма Кипр деҳқонлари билан ишчиларининг манфаатларини ҳимоя қилмоқда. Бу ерда эълон қилинган хабарда, шу йилнинг ўн бир ойи ичида федерацияга 4 минг янги аъзо кирганлиги айтилади.

Спорт

СОВРИН ЭГАСИ—«ДИНАМО»

«Юбилей» спорт саройида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети таъсис этган соврин учун эркаклар волейбол командалари ўртасидаги қизғин учрашув тугади.

Сўнгги ўйиндан бир кун олдин турнир ғолиби аниқланди. «Динамо» волейболчилари соврин эгаси бўлишди.

Соврин учун бўлган қизғин мусобақада командалар қуйидаги тартибда ўрин олишди: «Динамо» (Тошкент), «Буревестник» (Тбилиси»), «Динамо» (Ереван,) «Олға» (Фрунзе) ва ёшлар командаси.

СУРАТДА: ёшлар командаси билан «Олға» (Фрунзе) волейболчилари учрашуви.



Бокс

СТУДЕНТ ХРОМОВ—ЧЕМПИОН

СССР СПОРТ МАСТЕРИ Н. ХРОМОВ БОКС БЎЙИЧА ЕНГИЛ ВАЗНДА МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ УНВОНИНИ ОЛИШГА МУЯССАР БЎЛДИ.

Моҳир спортчи Москвада мамлакат биринчилигида ана шундай муваффақиятга эришди. Бокс бўйича СССР терма командаси аъзоси Н. Хромов Тошкентдаги физкультура институти физкультура факультетининг II курсида ўқийди.



Тошкент Марказий универсал магазини қошидаги ҳисоблаш мағазининг смена бошлиғи В. Хамуцкая ҳисоблаш машиналари ёрдами билан мураккаб ҳисобни ечмоқда.

ИЛҒОРЛАР

— Зиммага юклатилган иш планини бажариш коллективимиз аъзоларининг асосий бурчи ҳисобланади, — дейди комплекс бригада бошлиғи Сергей Грицук. Унинг бошчилигидаги йиғирма иккн қурувчи планга нисбатан қўшимча иш бажариб, қурилиш бошқармасидагина эмас, балки «Главташкентстрой» системасида ҳам илғорлик қилмоқда.

Бригада аъзолари асосан ёшлардир. Улар ноябрь ойида ўн олти минг сўмлик иш бажаришни ўз зиммаларига олишган эди. Ваъдасига вафодор бнноқорлар ой охирида пландан ташқари давлат фондига бир ярим минг сўм қўшимча даромад келтирдилар.

Грицук бригадаси шу кунларда Черданцев массивидаги ўттиз квартирали турар-жой қурилишида ғайрат билан ишлаяпти. Бригаданинг Ҳ. Содиқов, Ю. Кожанев, А. Федоров каби 4-разрядли ғишт теручилари кунлик иш соатларни давомида бир минг тўрт юз дона ўрнига икки минг — икки минг йиғирма беш донадан ғишт теришмоқда. Бу эса уйин пардозчиларга тезроқ топширилишига катта замин яратади. Илғорлар ташаббуси ҳам уйин мўлжалдан олдин сайқалчиларга топширилишига ёрдам беради.

Э. ЖЎРАЕВ.

Шу кунниng темасида

ЯРАШГАНИ СИЗНИКИ

ҲАЛИМА АХОНИНГ турмуш ўртоғи Назиржон Ригага борадиган бўлиб қолди.

— Сенга нима олиб келсам экан, онаси, — деди у хотинига қараб.

— Менга яхши, қулинг ўргилсин қишки туфли олиб келсангиз нифоя,— жавоб қайтарди Ҳалима.

Шундай қилиб деиг, ўн кундан кейин Назиржон командировкадан қайтиб келди. Хотини айтган совғани унутмабди. Лекин Ҳалимахоннинг ўзи ҳар эҳтимолга қарши ЦУМда сотилаётган туфлидан олиб қўйган эди.

— Ўзимники яхшига ўхшайди, Назиржон ака, — деди-да, ичкари уйдан харид қилган туфлини олиб чиққан, Ҳалима уни эрига кўрсатди...

— Эҳ-ҳе, ўзимизнинг Тошкентимизда тайёрланаётган туфлилар ҳам чакки эмас, яхши қилибсан буни олиб, — деди Назиржон хотинига қараб...

Бу бежирим туфли Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида тайёрланган эди...

Ана шу фабрикамизнинг цехларини айланар экансиз, ишчиларнинг ғайрат-шижоатига таҳсин ўқимай иложингиз йўқ. Ҳозирги замон пойафзалчилик техникасининг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган дастгоҳлар, автомат ва ярим автоматлар бир зум ҳам тинмайди.

Корхонанинг 6-цех ишчилари эса ғайрат камарини боғлаб меҳнат қилишмоқда.

Бу ерда аъло навли қора хромдан бичилган, астари майин оқ мўйна, таги микропор резинкадан қўнжли ботинкалар тайёрланяпти. Бу ботинкалар бежиримлиги билан киши эътиборини ўзига тортади. Ҳар куни эса қишки ботинкалардан минглаб жуфти савдо базаларига жўнатилиб турибди. Конвейерлардан кунига 300 жуфтдан ошириб ана шундай пойафзал тушириб олиняпти. Шу кунгача тайёрлангани эса, салкам 40 минг жуфтни ташкил этади.

Пойафзалчилар аёлларимизни ҳам ўйлаб улар учун мавсумий туфлилар тайёрлашяпти. Бу ерда Ўзбекистонда биринчи бор рангли қўндан аёллар пойафзали тайёрлаш бошланди. Хотин-қизлар учун мўлжалланган иссиқ микропор туфлилардан шу кунгача анчагина ишлаб чиқарилди.

— Фабрикамиз моделли пойафзал тикишга ихтисослашган республикадаги ягона корхонадир, — дейди унинг директори Одил Нурмуҳамедов.— Биз харидорларга манзур бўладиган маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш учун барча резервлардан фойдаланмоқдамиз. Юбилей йилининг ўзидагина пойафзалларнинг ўндан ортиқ янги модели ўзлаштирилди.

Фабрика ишчи-хизматчиларининг беш йиллик ичида амалга оширган ишлари диққатга сазовордир. Шу давр мобайнида 32 миллион сўмликдан ортиқ буюм ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди.

Корхона моделерлари аҳолининг ўсиб бораётган талабларига мос пойафзал турларини яратиш устида тинмай изланмоқдалар. 369 та янги модель ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги фикримизнинг далилидир.

Фабрика ишчилари маҳсулот сифатини ошириш, тежамкорлик учун бошланган юришда ҳам яхши кўрсаткичларни қўлга киритаётирлар. Беш йиллик муддатдан илгари эгаллаган коллектив аъзолари меҳнат календарида алла-қачоноқ 1971 йилни қаршилаб олганлар. Улар йил охиригача планга қўшимча 1,2 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга аҳд қилишган.

«Меҳнат зафарларимиз — партия съездига» — фабрика ишчи-хизматчиларининг айни кундаги шиори мана шундай. Пойафзалчилар бугун кечагидан унумли ишлашга, барча резервлардан фойдаланиб ишлаб чиқариш топшириғини анча ошириб адо этиш ва бу билан аҳоли талабини қондиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Бу юксак мақсад ва ҳаракат ишчи билакларига куч бағишламоқда, уларни янги зафарларга чорламоқда. Ҳали юқорида айтганимиздек, улар бошқа шаҳарларда тайёрланаётган пойафзаллардан ўз сифати билан ажралиб турувчи маҳсулотларни қўплаб ишлаб чиқариш учун бутун имкониятни ишга солмоқдалар. Корхона конвейерларидан тушириб олинаётган мавсум пойафзаллари пешма-пеш савдо тармоқларига жўнатилиб турилибди.

С. БОҚИЕВ.

«Белоруссия ва Ўзбекистон»

Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ўзаро ёрдам ўзининг ажойиб тарихига эга; у пролетариатнинг доҳийси буюк Ленин гениси билан йўғрилганлиги бўлиб, ҳар қандай синовларга бардош бера олган, метиндек мустаҳкамдир. Бутун дунё ҳавас қилаётган СССР халқлари дўстлиги ҳақида кўп ёзилган. Лекин шунга қарамай, бу илҳомбахш мавзуга оид ҳали кўплаб асарлар ёзилиши лозим.

Белорус ва ўзбек халқлари ўртасидаги алоқалар ҳам узоқ тарихга эга. Яқинда, белорус олими М. Носько мана шу икки халқнинг дўстлик алоқалари тарихига оид китобини В. И. Ленин номли Белорус Давлат университети нашриётида чоп этди. Михаил Носьконинг мазкур китоби «Белоруссия ва Ўзбекистон» (белорус ва ўзбек халқлари ўртасидаги миллатлараро алоқа тараққиёти тарихидан) деб номланган. М. Носько ўз асарини собиқ белорус партизани — ўзбек халқининг фарзанди Луқмон Ўроковга бағишлаган.

Китобнинг «Курашларда чиниққан дўстлик» бўлимида 1868—1922 йиллар давомидаги Белоруссия ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар тадқиқ қилинган.

Архив материалларининг кўрсатишича, белоруслар Туркистон ўлкасига 1868—1883 йилларда кўплаб келабошлашган. Лекин улар ўз ота-боболарининг ерларидан деҳқонлик ҳайдалган, оч-яланғоч қолган батраклар бўлиб Россия забт этган жанубий ўлкага нон ахтариб, нажот истаб келардилар. Уларнинг қийналган ўзбек деҳқонлари билан тақдирлари бир эди.

Ўзбек ва белорус меҳнаткашларининг синфий, мафкуравий яқинлашуви фақат Ўзбекистонда эмас, балки Белоруссияда ҳам бўлди. Бу ҳақда автор аниқ маълумотлар келтиради. 1916 йили мардикорликка олинган 100 мингдан ортиқ ўзбекларнинг бир қисми Белоруссия ўрмонларида, йўл қурилишида, помешчик ерларида тер тўкди. Улар бу ерда ҳам аёвсиз эксплуатация қилинди. Ҳаёт шароити қурашга отлантирди. Улар забастовкалар уюштирдилар, революцион кураш бошладилар. Масалан: Минск губерниясининг Мозир уездида, Витебск губерниясининг Сураж қоғоз комбинатида, Гомель яқинидаги ёғоч тайёрлашда ишлаётган ўзбек мардикорлари ерли белорус огалари билан бирга забастовкалар уюштирдилар, революцион ҳаракатларга қатнашдилар. Белоруссияда ўзбек меҳнаткаш йигитларнинг революцион онглари ошди, улар кураш йўлларини ўргандилар.

М. Носько Белоруссияга оқ поляклар ҳужум қилганларида. Тошкент. Самарқанд. ёшларидан отрядлар тузилиб, белорус шаҳар, қишлоқларини душманлардан озод қилишда иштирок этганликларини исботловчи далилларни ҳам келтирган.

Китоб муаллифи Туркистонга Октябрь революциясн арафасида келиб, инқилобни тайёрлаш ва амалга оширишда, кейинчалик эса босмачиларга қарши курашда қатнашган белоруслар (Г. В. Зиновьев, Е. П. Дубицкий, В. С. Гушч, Д. Ф. Ивашко, Н. Лойко, З. Ч. Стасевич, Н. Лучинский, Н. Рогозин) фаолиятини батафсил, фактик материаллар асосида ёритилган.

Асарнинг «Ягона оилада» бўлимида асосан иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврдаги белорус-ўзбек алоқалари анализ қилинади.

30-йилларга келиб, белорус ва ўзбеклар ўртасида адабий алоқалар яхши йўлга қўйилган эди. Авторнинг ёзишича, белоруслар Алишер Навоий, Фурқат, Ҳамза, Ғ. Ғулом, Ойбек, Ҳ. Олимжон асарлари билан таниша бошладилар. Шу даврда ўзбеклар белорус ёзувчилари Я. Купала, Я. Колос ижодлари билан танишдилар. Икки халқ ёзувчилари ўртасида шахсий алоқалар ҳам ўрнатилди. 1932 йили бир группа белорус шоирлари П. Глебка, М. Хведаровнч. И. Барашка Ўзбекистонга келиб Тошкент, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Қўқон шаҳарларида бўлдилар. Ўзбек халқининг меҳнат жасорати, деб ёзади М. Носько, белорус шоирларини қойил қолдирган. Улар буни ўзларининг Ўзбекистонга бағишланган асарларида бадиий бўёқлар билан ифодалаганлар. Шу саёҳат даврида яратилган М. Хведаровичнинг «Ўзбекистонга» шеъри бунинг далилидир.

1935 йили Белоруссияда чиқадиган «Полимя» журнали ўз ўқувчиларини А. Русецкийнинг Фарғона водийсига бағишланган шеърлари билан таништирди. А. Русецкий бу шеърларини уч ой давомида от минib, Фарғона водийсини кезиб чиққандан сўнг яратган эди.

30-йилларда Белоруссия ва Ўзбекистон ўртасида маданий алоқалар ҳам йўлга қўйилганини таъкидлайди китоб автори. Ҳақиқатдан ҳам, 1936 йили Тамарахоним ансамбли, 1938 йили Фахриддин Содиқов, А. Юсупов, Т. Жумаев, Х. Изомовлардан иборат Ўзбекистон оркестри Белоруссияда катта таассурот қолдирди.

Китобнинг «Оғир синов йилларида» бўлимида икки халқнинг Улуғ Ватан урушн даврндаги алоқаларига оид фикрлар баён қилинган. Ўзбек аскарларининг Белоруссияда кўрсатган жасоратлари, Белоруссиядан кўчириб келинганларга ўзбек халқининг ғамхўрлиги, Ўзбекистоннинг Белоруссияга иқтисодий ёрдами каби масалалар китобнинг бу бўлимида атрофлича фактлар билан ёритилган.

М. Носько ўзбек партизандари. Совет Иттифоқи қаҳрамони Мамадали Топиболдиев, учинчи ранг ҳарбий врач Шермат Турғунов, А. Давронов. М. Жўраев, Т. Ҳакимов. С. Умаров, М. Ҳасанов, Х. Усмонов ва бошқалар кўрсатган жасоратларига таҳсинлар ўқийди.

Белоруссия ўрмонларида душманга зарба берган юздан ортиқ ўзбек партизанларининг СССР орден ва медаллари билан, 1944 йили фақат июнь—август ойларида 2-Белорус фронтида 625 ўзбек жангчисининг ҳукумат мукофоти билан тақдирланиши Белоруссияни озод қилишда улар қўшган ҳиссанинг нақадар салмоқдор эканлигини кўрсатади.

Улуғ Ватан уруши даврида ўз ватанпарварлик, инсонпарварлик бурчини адо этган ўзбек халқини белорус шоир ва ёзувчилари ўз асарларида куйлайдилар. М. Носько ўзбек маданиятининг белорус ёзувчиларига таъсири ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Ўзбек маданияти белорус адиб ва композиторлари ижодига таъсир этган. Якуб Колос «Қасос» поэмасини ёзиш жараёнида ўзбек халқининг адабиёти фольклорини чуқур ўрганган. Эди Огнецветни ўзбек афсонаси «Жаннат» операси либреттосини ёзишга илҳомлантирган. Белорус шоирлари С. Лиходзиевский. М. Хведарович, Х. Мальтинский ва бошқаларнинг ижодларида ўзбек тематикаси катта ўринни эгаллади».

Улуғ Ватан уруши йилларида белорус—ўзбек алоқаларининг янада мустаҳкамланиши шуни кўрсатдики, деб ёзади М. Носько, социалистик миллатлар дўстлиги доимийдир. Империалистларнинг ҳисобига қарши ўлароқ, бу дўстлик оғир синов йиллари бўшашмади, балки ғалабанинг энг асосий омилларидан бири бўлди.

Китобнинг «Ленин башорат қилганидай» бўлимида урушдан кейинги давр икки республика ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар ўрганилган. Автор маданий алоқаларни ёритар экан, Ўзбекистонда ўтган белорус адабиёти ва санъати декадаси. Белоруссияда бўлган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси хусусида кенг фикр юритган. Белорус ёзувчилари ўзларининг таассуротлари орқали ўқувчиларни юздан ортиқ ўзбек ёзувчилари билан таништирдилар. Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Уйғун. Ғ. Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ш. Рашидов ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўзбек шоирларининг бир қанча тўпламлари, «Ўзбек ҳикоялари» китоби, 29 ўзбек совет шоирлари асарларини ўз ичига олган «Ўзбекистон куйлайди», 48 ўзбек шоирлари асарларидан иборат «Ариқларда қуёш» тўпламлари нашр этилди. Белорус шоирлари ўзбек тематикасида ёзнлган, Ўзбекистонга бағишланган 30 та асарларини «Ўзбекистонга» номи билан нашр қилдилар.

Муаллиф географик, этник жиҳатдан «узоқроқ» бўлган миллатларни, хусусан. белорус ва ўзбек миллатларининг социализм даврида яқинлашиши китобда тўғри ва жуда кўп далиллар билан исботланган.

Х. ИСМАТУЛЛАЕВ.

• Янги лойиҳалар

КЕНГ ВА РАВОН КЎЧАЛАР

«Узгипроавтодор» давлат лойиҳа институтининг коллективи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Беш йил ичида умумий ҳажми 700 миллион сўмлик бўлган йўллар ва турли объектлар қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминланди.

Кейинги йилларда институтда тайёрланаётган лойиҳалар бир мунча такомиллаштирилди.

Лойиҳачилар Қизилқумда қурилаётган янги автомобиль йўлларининг лойиҳаларини буюртмачига етказиб бердилар. Шунингдек, Тошкент, Андижон. Қашқадарё, Сурхондарёнинг тоғлиқ районларида қурилаётган йўллар лойиҳаси ҳам ишлаб бўлинди.

Шу кунларда институтда Сирдарёда қурилаётган кўприк, шунингдек, асфальт-бетум заводлари, йирик темир-бетон конструкцияларн корхоналари лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилмоқда.



Тошкент трактор заводининг йиғув конвейеридан ҳар куни ўнларча янги универсал тракторлар ишлаб чиқарилади.

СУРАТДА: заводнинг тайёр маҳсулот жўнатиш майдончасидаги тракторлар.

М. Нуриддинов фотолари.

Планетамиз янгиликлари

НЕФТЧИЛАРНИНГ ЕР ОСТИДАГИ ЁРДАМЧИЛАРИ

БУДАПЕШТ. (АПН мухбири). Венгрия Халқ Республикасининг пойтахтида жойлашган Давлат геология институтининг илмий ходимлари нефти тугаётган ёки ишловдан чиқарилган деб ҳисобланган конлардан нефть чиқаришни кўпайтиришнинг янги методини ишлаб чиқдилар. Бунинг учун улар... микробларни ёрдамга чақирдилар.

Бу иш шундай қилинади: мутахассислар танлаган кон қудугига составида зарур бўлган «жинс»даги микроорганизмлар ва улар учун озуқа қоришмаси бўлган суспензияли эритма босим билан туширилади. Бактериялар ер тагидаги нефть қўлига тушгандан кейин жуда тез кўпая бошлайдилар. Уларнинг ҳаётий фаолияти натижасида кўп миқдорда газ, яъни тепада актив ҳаракат қиладиган модда ҳосил бўлади. Унинг таъсири натижасида эса суюқлик қатламига босим кучаяди ва қудуқдан нефть яна фонтан бўлиб чиқа бошлайди.

Назорат қилиб турилаётган махсус қудуқ орқали микробларнинг «кайфияти» ва «иши» кузатиб борилади. Ер тагидаги ёрдамчиларнинг активлигини сақлаб қолиш учун уларни мунтазам равишда «овқатлантириб» туришга тўғри келади.

Саноат кўламида амалга оширилган биринчи тажрибалар қудуқлардан нефть чиқаришни кўпайтиришда бу усулнинг жуда фойдали эканлигини тасдиқлади.

ҲИНД ОКЕАНИДА ҲАРБИЙ БАЗА

ЛОНДОН. АҚШ билан Англия Ҳинд океанидаги Диего—Гарсия оролида биргаликда ҳарбий база яратиш ниятида эканликларини расмий суратда эълон қилдилар. Англияга қарашли ана шу оролда АҚШ билан Англия ҳарбий денгиз ва ҳарбий ҳаво кучларига хизмат кўрсатувчи ушбу базанинг қурилиши икки ойдан сўнг бошланади.

АҚШ билан Англиянинг Ҳинд океанидаги ҳарбий қудратининг оширилиши Осиё ва Африка халқларига қарши империалистик фитналарни биргаликда амалга ошириш учун плацдарм яратиш, ўзининг ҳарбий-сиёсий ҳукмронлигини мустаҳкамлаб олиш мақсадини кўзда тутади.

(ТАСС).

Ҳиндистонда янги штат

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон харитасида тез орада яна бир штат —19-штат пайдо бўлади. Ҳиндистон парламентининг юқори палатаси иттифоқчи территория Химачая Предешга айрим штат ҳуқуқини тўла равишда бериш тўғрисидаги қонун лойиҳасини якдиллик билан маъқуллади.

АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ БИРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРАЛАРИ

МОГАДИШО. Сомалидаги «Стеллад оттобре» газетасининг редакцион мақоласида бундай дейилади: Португалия агрессорлари ва халқаро империализм тузган режалар жуда пуч бўлиб чиқди: уларнинг Гвинея Республикасига қилган разил игвогарлиги мўлжаллаб қўйилган натижаларни бериш у ёқда турсин, балки африкаликларнинг курашни Африкада мустамлакачиликни батамом йўқотгунча давом эттириш учун маҳкам бел боғлашларига ва уларнинг, бу ҳаракатларини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Африка бирлиги ташкилоти министрлар советининг Лагоста бўлиб ўтган Фавқулодда сессияси шуни уқтириб айтдики, дейилади газетанинг мақоласида, эркин Африка империалистларининг қилмоқчи бўлган агрессиясидан Африкадаги ҳар бир мустақил мамлакатни ҳимоя қилиш ва курашни давом эттириш зарур.

ШАХТАЛАРДА ҲАЛОКАТ

НЬЮ-ЙОРК. Кончилар бирлашган касаба союзининг органи «Юнайтед майн—уоркерс • журнэл» журналининг ёзишича қараганда, кўмир шахталарининг хўжайинлари кончилар меҳнатининг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида бундан ярим йил аввал расмий равишда кучга кирган қонунни амалга оширишга қаршилик қилаётган бўлсалар ҳам, аммо ҳукумат маъмурлари буни кўра — била туриб индамаётирлар. Фақат шу йилнинг ўзидагина, деб ёзади газета, хўжайинлар хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилмаганликлари натижасида Американинг кўмир шахталарида 174 нафар шахтёр ҳалок бўлди. Бу йил ер ости ишларида қурбон бўлганлар сони, ҳозирнинг ўзидаёқ бултургидан ошиб кетди.

(ТАСС).



Вьетнам, Камбоджа, Лаос... Ҳинди-Хитойнинг оловли нуқталаридир. Америка империалистлари ва уларнинг малайлари томонидан ёқилган уруш оловлари Жанубн-Шарқий Осиё мамлакатларига кўпгина азоб-уқубат келтирмоқда. Аммо қўғирчоқлар ва уларнинг океан ортидаги хўжайинлари оёғи остида ер ловиллаб ёнмоқда. Озодлик армиясининг ватанпарварлари кўпгина районларда мувеффақиятли жанговар операция ўтказишмоқда. Шунинг учун АҚШ режимига содиқ бўлган кишилар асирга тушган ватанпарварлар устида ғайри инсоний қийноқларни амалга оширишмоқда.

АП—ТАСС фотосн.

НАЦИЗМГА ҚАРШИ

НЬЮ-ЙОРК. Фашистлар Германияси тор-мор келтирилганига ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилганлигига 25 йил тўлган бўлса ҳам, аммо нацизмнинг қайта тикланиш хавфи ҳануз давом этаётганлигидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош ассамблеясининг чуқур ташвиш тортаётганлиги изҳор қилинди. Ассамблея нацизм, ирқчилик ва апартеид идеологиясини ва практикасини мужассамлаштираётган гуруҳлар ва ташкилотларнинг хатарли фаолиятига эътиборни жалб этди.

Нацизмга қарши кураш чоралари тўғрисида эълон мажлисда қабул қилинган резолюцияда террорни ва ирқни камситишни асос қилиб олган нацизм, ирқчилик, апартеид ва бошқа шунга ўхшаш идеологиялар ва практика кескин равишда қораланди.

Резолюцияда алоқадор барча давлатлар Бош ассамблеянинг резолюциясини сира кечиктирмай бажаришлари, нацизмни, шу жумладан, унинг ҳозирги замондаги формаларини, ирқчиликни ва бошқа шунга ўхшаш идеологияларни тезроқ ва батамом тугатиш мақсадида қонун тариқасида ва бошқа самарали чоралар кўришлари кераклиги уқдириб ўтилди.

Совет вакили Ю. М. Рибаков ўзининг нутқида Ғарбий Германиядаги янги нацист национал демократик партиянинг фаолияти активлашаётганлигини, Германия Федератив Республикасининг ўнг реакцион кучлари бирлашаётганлигини эслатиб, нацизмнинг қайта тикланиш хавфи реал хавф бўлиб қолганлигини кўрсатиб ўтди.

Бошқа бир қанча мамлакатларда, жумладан, Англия, АҚШ, Италия, Японияда, Латин Америкасининг бир қанча мамлакатларида ҳам, деди Ю. М. Рибаков, янги нацистлар фаолияти активлашмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, деди совет вакили, инсониятни ҳалокат ёқасига бир марта келтириб қўйган нацизмнинг қайта тикланишига йўл қўймаслик учун самарали чоралар кўриши лозим.

(ТАСС).



ҲИКМАТЛАР

Ҳар қандай кўнгил қораликнинг сабабчиси жаҳлдир.

* * *

Бекорчиликдан барча ярамасликлар бошланади.

* * *

Хасталик лаҳзада келса ҳам, йиллар давомида кетмаслиги мумкин.

* * *

Бахтингдан айрилсанг ҳам эзгу умидингдан айрилма.

* * *

Обрў-эътиборни мисқоллаб йиғиб, ботмонлаб совуриш мумкин.

* * *

Ҳар қандай қўрқоқ ҳам, мард йўқ даврада керилиб гапиради.

* * *

Булбул кичкина қушча бўлса-да ҳаммани ўзига мафтун этади.

* * *

Рашк бамисоли эгов, унга берилган киши юрагидан айрилиши ҳеч гап эмас.

Лаззатли ичимликлар

КОФЕ

Кофе— чой сингари лаззатли товарларнинг бир хили бўлиб, савдога қовурилган уруғи ва қовурилиб янчилган ҳолда чиқарилади.

Кофени Арабистон, Ҳиндистон, Бразилия, Колумбия сингари иссиқ мамлакатларда ўсадиган кофе дарахти мевасининг уруғидан тайёрлайдилар.

Кофе жуда ҳам фойдали ва лаззатли маҳсулот бўлиб, унинг химик таркибида ёғ, оқсил, қанд, дубиль моддалар, минерал тузлар ва бошқа моддалар бор. Унинг хусусияти, айниқса, кофеин алкалоидига боғлиқ. Шу кофеин, экстрактив моддалар, кафеоль сингари моддалар туфайли, кофе кишининг марказий нерв системаси ва юрагининг ишини кучайтириб, организмнинг иш лаёқатини яхшилайди, тетиклик ҳосил қилади, ошқозон сувининг яхши ажралиб чиқиши ва модда алмашинувининг яхшиланишига сабабчи бўлади. Лекин шуни унутмаслик керакки, кофе болалар, юрак уриш касали бўлган, овқатни ҳазм қилиш органлари яра ёки баъзи бошқа касалликка дучор бўлган кишиларга тўғри келмайди.

Кофени қайноқ сувда (бир стакан сувга 1—2 чой қошиқда кофе солинади) пиширib, сўнг сут ва қанд қўшиб ичилади.

КАКАО

Умида ва умумий овқатланиш корхоналарида чой ва кофедан ташқари, какао ичимлиги ҳам истеъмол этилади. Лекин, какао чой ва кофега нисбатан анчагина фойдалироқ, лаззатлироқ ва хушбўйроқдир.

Какао ичимлиги какао порошокдан тайёрланади. Какао-порошокнинг химик таркибида 18—20 процент енгил ҳазм бўладиган ёғ, оқсиллар, дубиль моддалар, теобромин, кофеин номли алкалоидлар ва бошқа моддалар бор. Какао теобромин ва кофеин моддалари туфайли, марказий нерв системаси ва юракнинг ишини кучайтириб, организмнинг иш фаолиятини оширади.

Какао порошок тропик мамлакатларда ўсадиган какао дарахтининг мевасидан чиқадиган мағизи (какао-боби)дан тайёрланади. Бунинг учун, какао мағизи бир неча вақт ичида махсус шароитда етиштирилади, сўнг қуритилади.

Тайёрланган мағиз қовурилиб, пўстидан тозаланиб майдаланади, кейин пресслаш йўли билан ёғи олинади. Қолган қунжарасини эса, майин қилиб, янчиш йўли билан какао-порошок ҳолига келтирилади. Шуни ҳам айтиш керакки, ёғи олинмаган какаога қанд ва бошқа маҳсулотлар қўшиб, махсус ишлов бериш йўли билан ҳамма учун севимли ширинлик бўлмиш шоколад тайёрланади.

Какаони болалар, юрак уриш касали бўлган кишиларга ва уйқу олдидан истеъмол этиш тавсия этилмайди.

С. ЭРҒАШЕВ.

Бир тотим тузу, юз оғиз сўз

ТУЗ—ДОРИ

Тузнинг дорилиги тўғрисида Абу Али ибн Синонинг «Ал қонуни фи ал тибб» китобида ажойиб фикрлар бор. Тегишли жойини келтираман:

«Туз моҳияти. Машҳур нарса. Баъзи тузларда аччиқлик ва бўруштириш хоссаси бор,...

...Тузнинг баъзиси уваланадиган, баъзиси қазиб олинадиган, баъзиси эса кристалли оқ туздир. Яна қора нефтли туз ҳам бўлади...

Табиати. Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Туз қанча аччиқ бўлса, шунча иссиқлиқ бўлади...

...Туз сасишга тўсқинлик қилади. Талоқнинг қадинлашувига фойда қилади...

...Уваланадиган туз тез тозаловчанроқдир.

Агар уни совуқлик овқатларга аралаштирилса, унинг табиати ўзгаради. Оқ туз елларни қайдайди...

...Тузнинг ҳаммаси қотган хилтларни эритади.

...Оқ туз зеҳнни ўткир қилади. Туз, айниқса, оқ туз бўшашган тиш милкларини мустаҳкамлайди...

...Туз қора ўтни ҳайдаб чиқаради. Шу сабабли тузни хукна қилувчи дориларга киритилади...»

Тузнинг ўзи дизентерия учун энг яхши тузатувчи воситадир.

К. МАҲМУДОВ.



«Хаёлларга бўламан тутқун...»
Ю. Бутусов фотоэтюди.

Бу қизиқ...

Қишдаги инлар

Январнинг қаҳратон совуғида, қор остидаги тоғ арчазорлари ичида қушчанинг бирданига қувноқ овозини эшитиш жуда ғалати туюлади. Шу заҳотиёқ арчанинг қалин шохлари орасида жигарранг қизил рангдаги қувноқ қушчага кўзингиз тушади.

Тўқай чумчуқ ўз ҳамроҳини хушнуд этаётган бўлади. У эса кулранг патлари, оловранг думлари билан безаниб, дўстининг қўшиғини бамайлихотир тинглайди.

Бу нимаси? Январь ойида қушларнинг «никоҳ қўшиғи» янграса-я?! Ҳайратланса арзийди!. Деярли барча қушлар қиш пайтида озуқа излаб қийналади, совуққа аранг чидайди, шамолга бардош беролмайди. Тоғ чумчуғи эса, қаҳратон совуқда «никоҳ қўшиғи»ни қувноқ куйлайди.

Ҳа, тоғ чумчуқлари қишда ин қўяди. Тухум қўйиш учун эса инга юмшоқ юнг, ҳар хил паррандаларнинг патлари ва бошқа юмшоқ кўкатлар солинади.

Нима учун тоғ чумчуқлари йилнинг шундай совуқ вақтида ин қўяди? Бунга оддийгина жавоб қилиш мумкин. Ҳар қандай қуш ҳам ўзига етарли овқат топганда ин қўяди. Чунки, у фақат ўзинигина эмас, балки мечков болаларини ҳам тўйдира билиши керак. Тоғ чумчуқлари эса, асосан игна барглиларнинг мевасини ейди— бу мевалар қишда етилади. Демак, тоғ чумчуқларининг ин қўйиши ўзлари суйган озуқа етилган қиш пайтига тўғри келади.

Республикамиз тоғ арчазорларида тўқай чумчуқлари оз бўлса-да, учраб туради. Улар, айниқса, кеч куз ва қаҳратон қишда кўпаяди.

Тоғ чумчуқларининг тумшуғи диққатни ўзига тортади. Тумшуқнинг учи худди қайчидек бир-бири билан алмашиб кетади. Қушларнинг қаттиқ арча донларини олишлари, уни тез ва усталик билан оғизларига жойлаштиришлари учун бу жуда ҳам қулай.

Ҳ. ҲАКИМОВ.

Шингил ҳикоялар

Ақл қадри

Ҳовуз бўйидаги шоҳсупада бобом билан дадам ёстиққа ёнбошлашиб, дунё ва унинг яратилиши боисида гурунглашишарди. Мен дадамнинг тиззасига бош қўйиб, осмонда сузиб юрган парча-парча оқ булутларга, кейин бобомнинг худди ўша булутлардек оппоқ соқолларига завқ билан тикилардим. Улар бирдан жим қолишган эди, бобомдан қизиқиб сўрадим:

— Бобо, соқолингиз булутдан бўлганми?

— Йўқ, булутдан соқол бўлмайди, болам,— дедилар бобом жилмайиб,— булут осмонда, уни ҳеч ким ололмайди.

— Булутлар нимага осмонга чиқиб қолган, бобо?..

Бобом соқолларини селкиллатиб кулдиларда, дадамга қараб секин гапирдилар:

— Кўрдингми, Ашрафхон, ўғлингни гапида ҳам жон бор: «Нимага булут осмонга чиқиб қолган», дейди. Ахир, қодир табиат ҳар нарсани ўз ўрнига қўйиб яратган-да. Ерга ёмғир қор ёғдирсин деб, булутга осмондан жой берган. Одамзод ақлини оёғи ё қўлига эмас, боши қадрлаб бошга энг баландга жойлаб қўйибди. Одамнинг ақли бошида, ўғлим.

Мен ўзимдан-ўзим қувониб:

— Бобо, менинг ақлим мана бу ерда, а?— дедим қўлим билан бошимни кўрсатиб.

— Ҳа, ақлинг бошингда, бўтам,— дедилар бобом, — бошинг тошдан бўлсин, ақлинг гулдек очилаверсин, қўзим.

Бу, болалик йилларимдан бир кичик хотира. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб, яхши-ёмонни кўриб, вояга етдик. Лекин бир нарсани сира унутмаймиз: ота-оналаримиз «Ақлингдан ўргилай, болам» деб бошимизни силашганда, қувонибгина қўярдик. Энди тушундик. Улар умр йўлимизда ҳеч қачон қоқилмасligимизни тилаб, ақлимизни эъзозлашган экан.

Ҳаёт йўли

Қиш совуғининг сўнгги нафасига навбаҳор гул-чечакларининг муаттар иси қўшилиб, дилни ширин ҳисларга тўлдириб юборди. Нуроний чол билан яна тепаликка кўтарилдик.

Мутал бобо ҳарсиллаб юришдан тўхтади-да, ҳассасини кўкрагига тираганча туриб қолди:

— Яна баҳор, — деди у узоқларга чанқоқ назар ташлаб, — юзинчи баҳор бу... Энди борлиқ яшаради, мен бўлсам яна қартаяман.

Мутал бобо орқага ўгирилиб, бир зум жим қолди, сўнг вазмин сўзлади:

— Қара, ўғлим, анча йўл босиб қўйибмиз; тоғ пастга тушибмиз, тоғ юқорига чиқибмиз...

Мен ортда қолган паст-баландликларга қараб, йўлнинг оғирлигини айтдим:

— Ўзи шунақа-да, ота.

— Ҳа, йўл ўзи шунақа, — чуқур тин олиб давом этди Мутал бобо, — ҳаёт ҳам шу йўлга ўхшайди, ҳаммасини бора-бора кўрасан: тоғ баландга чиқасан, тоғ пастга тушасан: қувонч кетидан ғам, ғам кетидан бахт келади. Одам боласи ҳаммасига кўникаверади.

Мутал бобо яна ҳассасини тўқиллатиб юра бошлади.

— Йўл олис, чеки йўқ, — деди бобо, — ҳув алангаланиб турган шафақни кўряпсанми, ўша ерга борганингдан кейин, яна йўл бор... У ҳам тугамайди. Катта уммонлардан ўтсанг, у ёғига яна йўл бор. Агар осмону-фалакка чиқсанг ҳам йўл юришинг керак. Одам ҳаёти шунақа. Туғилиш, ўлиш, яна туғилиш. Ҳамма бу оламга меҳмон қатори келиб-кетаверади. Бунинг ҳам чеки йўқ... Лекин ҳамиша уфққа қараб юраверши яхши.

Бобонинг шу гапи менга ёқиб тушди: уфққа қараб юраверши яхши, паст-баландликларга тушиб-чиқаверсанг ҳам, ҳаётнинг давом этаверши яхши.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Умидсизлик дангасаликка, Сўзга хасис бўлсанг ҳам, умрнинг фойдасиз ўтишига фикрга сахий бўл.

* * *

олиб келади. Бош билан битадиган ишга оёқни ишлатма.

* * *



Газетхон онахонимиз. Ю. Бутусов фотоэтюди.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Дераза ойналарини ювишдан аввал, сувга бироз синька қўшиб юборсангиз, ойналар чиннидек тоза бўлади.

* * *

Дарпардаларни ювaётганда синькага оз-моз сут ҳамда крахмал аралаштириб юборинг. Шунда ювилган кир бўюмларингиз дазмолдан янгидек бўлиб чиқади.

* * *

Шиша ёки чинниндан ясалган идишларни ювишдан олдин сувга бир-икки қошиқдан сирка ва туз солиб юбориш тавсия этилади. Шундай қилсангиз идишлар ялтираб чиқади.

* * *

Узоқ туриб қолган сариёғ ачимсиқ бўлади. Бундай ёғни қиздириб олиш зарур. Қиздирилаётганда ичига бир тўғрам нон солиб, у қизарганда олинг. Шунда нон ёғдаги тахирликни ўзига тортади.

«Тошкент оқшоми» ҳажв дафтаридан

ҚАССОБ ДЎКОНИДА

Гузарга чиқаман гўшт қайғусида,
Қассобни кўраман гўшт оғушида.
Қўлида пичоғи тез, ниҳоятқор,
Вақт кутиб толиқмас қатор харидор.
Ва лекин харидор бўларкан ҳар хил:
Сабрли ва ниҳоят, қувноқ ва заҳил.
Суякни ёқтирмас сабрлиси ҳам,
Қувноғи, ниҳояти, тадбирлиси ҳам.
Аксари одамлар сонга ниҳоятбоз.
Соп қўйса лаҳмдан сўрашар боз-боз.
Хуноби ошса ҳам жилмаяр қассоб,
Қаттиқроқ сўзлашга ийманар қассоб.
Навбатим келганда этай деб ҳайрон,
Сўрайман:
— Ярмиси бўлсин устихон.
Бу гапдан қассобнинг ортар ҳайратим.
Пичоғин қайроқда «чаҳ-чаҳ» сайратиб,
Дейдики:
— Домлажон, гапингиз чакки,
Бошқалар майли-ку, сиз берманг дакки.
Дейманки:
— Гапим рост, суяк егулик,
Ичида бўлса бас бир пайса илик.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ.

ТУРК МАҚОЛЛАРИ

Йўл кўрсатувчисиз дўзахга ҳам киролмайсан.

* * *

Онла жанжалсиз бўлмас, Тўй — мусиқасиз.

* * *

Уятсизнинг юзига тупурдилар, У эса «ёмғир ёғаяпти» деб ўйлади.

* * *

Оч ит таёқдан қўрқмас.

* * *

Халқ овози — ҳақ овоз

* * *

Икки қилич бир қинга сиғмас.

* * *

Дарахт томиридан чиришди.

* * *

Аёлсиз уй— оловсиз ўчоқ. Эркаксиз уй — қуёшсиз кун.

* * *

Ой чиқишидан маълум, Одам қадам олишидан.

* * *

Хотиннинг яхшилиги эрнинг кийинишидан маълум.

Уй бекалари, сизлар учун

Музлатилган гўштдан фойдаланиш

Музлатилган гўштни баъзи кишилар фойдаси кам ва мазаси йўқ дейишади. Бу фикр, умуман олганда, нотўғри. Лекин гўшт нотўғри музлатилса ва, айниқса, музлатилган гўшт нотўғри туширилса, бундай музлатилган гўшт фойдалилиги ва мазаси жиҳатидан янги гўштдан анчагина фарқ қилади.

Гўштни музлатиш ва музлатишдан туширишда шундай қоида бор: тезлик билан музлатиш, лекин аста-секин музлатиш ва туширишни керак. Шу қоидага риоя қилинганда, музлатилган гўштдан бир томчи ҳам сел оқиб кетмайди ва гўшт музлатишдан туширилгандан кейин, янги гўштдан қолишмайди.

Агар шундай бўлмаса эди, мамлакатимизда маҳсулотларни совутиш ва музлатиш ишига унчалик катта аҳамият берилмаган бўларди. Ваҳоланки, бу иш йилдан-йилга авж олиб бормоқда. Гап шундаки, гўштни музлатишда, биринчидан, гўштдаги сув муз парчаларига айланади; иккинчидан, гўштнинг суягига яқин жойидаги температура минус 6 даража ва ундан пастга тушади. Натижада, гўшт тез бузилмайдиган ҳолга келади. чунки микроблар совуқда ва сувсизликда тез кўпая олмайди. Гўштдаги бошқа моддалар эса ўзгармайди, табиий ҳолида қолади. Фақат, гўшт узоқ вақт туриб қолгандагина, унча-мунча ўзгариши мумкин.

Хўш, гўштни қандай қилиб музлатиш керак? Бунинг учун гўштни майдаламай, йирик бўлакланган ҳолида ҳавонинг иссиқлик температураси 1—4 даража бўлган жойда 2—3 кун сақлаш керак. Борди-ю, гўшт ҳавонинг температураси ўн даража ва ундан ортиқ иссиқ бўлган жойда туриб қолса, унда гўштдаги муз парчаларидан бирданига кўп сел ҳосил бўлади.

Э. СОЛИХОВ,
товаршунос.

Боланинг тили ширин

СОНГА КИРДИ

Ўқитувчи она тили дарсида Олимжондан сўради.

— Қани, кечаги ўтган дарсимиз — сонга битта мисол айт.

Олимжон жавоб қилди.

— Бизнинг уй,

Ўқитувчи ҳайрон бўлди:

— Не, бу ерда сон йўқ-ку?

Олимжон деди:

— Кеча оймлар айтдилар-ку, Раҳимларнинг уйи кабн бизнинг уй ҳам сонга кирди, деб!

У. КАРИМОВ,
ишчи.

Рассом табассуми



— Дадаси, кичик болага мунча қуллуқ қилиб қолдингиз?

— Бу кипи хўжайинимизнинг ўғлилари бўладилар. Уйланган бўйдоқ.

— Лолахон, бугун кечроқ бораман, хавотир олманг, мен мажлисдаман.

Ўн беш суткадан сўнг.

— Кўзим чиқсин у томонга қарасам...

А. Ҳакимов расмлари.

Ханделар

УХЛАПТИ

— Акбар, қаердан келяпсан?

— Кинодан.

— Қалай, яхши кино эканми?

— Билмадим...

— Нега?

— Ухлаб қолибман.

ИҚТИСОДЧИ

Латифжон хотинининг чойнакдаги шамани тўкканини кўриб тутоқиб кетди:

— Аҳмоқ, шамани нега тўкдинг?

— Нима қиласиз, эски шама-ку...

— Қуритиб олсангиз, яна дамлашга ярарди, бундан кейин бунақа ирофгарчиликка йўл қўйманг, хотинжон.



«Кичкина деманг бизни...»
С. Остонов фотоэтюди.

БУЛАРНИ УНУТМАНГ

Мабодо болангиз бирор ерини бирон жойга уриб олса, ўша жойга муз ёки бўлмаса совуқ сувга оқ доканн ҳўллаб босинг, оғриқ тез қолади.

* * *

Бола унчалик қаттиқ куймаган бўлса, унга марганцовка, пахта мойи, одеколон ёки ароқ суриб қўйилса жароҳат тезда яхши бўлади.

БИР ТОННА ГУРУЧДАН ПАЛОВ

Мен «Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 30 ноябрь сонида босилган, испаниялик ошпаз бир тонна ош дамлаб, етти минг кишини таъминлаганлиги ҳақидаги мақолани қизиқиб ўқидим. Бир тонна гуруч дамлаш учун Тошкент шароитида қанча ва қай миқдорда масаллиқ кераклигини ўйлаб чиқдим. Бу ҳақда азиз оқшомхонларга мана шуларни айтмоқчиман.

Бир тонна гуручни дамлаш учун мамлакатимизнинг Ленинград музейида сақланаётган улкан, қирқ қулоқли дошқозон керак. Ўн оғизли ўчоққа қозон ўрнатилгач, ўн малакали ошпаз ва ўнта олов ёқувчи бўлиши лозим. Бундан ташқари, команда бериб туриш учун битта микрофон талаб этиладн. Қозоннинг устига иккита қалин тахта ўрнатилиб, ошни кавлаш вақтида шу тахта устидан у ёқ-бу ёққа юриб турилади. Шунингдек, иккита резина пайпоқ ҳам лозим.

Қозонга қуйидаги нарсалар ташланади: 1 тонна гуручга 1 тонна гўшт, 1 тонна сабзи, 100 килограмм пиёз, 300 килограмм ёғ, 60 килограмм магиз. 35 килограмм туз, 30 килограмм нўхат, 1,5 килограмм зира, 2 килограмм янчилмаган мурч, 2 килограмм қора қанд, 1 килограмм янчилган мурч, 1 килограмм зарчава, 1200 литр сув қабилар солинади.

Шундай қилиб, ўн олти хил масаллиқ қозонга тушади. Ёғ икки соат қизитилади, сабзи-пиёз, гўшт бир ярим соат қайнатилади. Ош бир соатдан ортиқ дам ейди. Беш соат деганда таом тайёр бўлади. Бу ошни саккиз минг киши истеъмол қилади. Бундай катта ош халқ сайлларида ва пахта байрамларида уюштирилса бўлади.

Худойберди РАСУЛОВ,
ошпаз, Октябрь районидаги 23-ошхона пазандаси.



Пеле, гарринча, футбол

Игорь ФЕСУНЕНКО

Пеленинг «Мен — Пеле» деган автобиографик китоби чиққач, Бразилиядаги минглаб саводсизлар саводларини чиқара бошлашди. Улар бу китобни ўз кўзи билан ўқиб чиқишга ҳаракат қилишарди! Шу боисдан Эдсон ҳаётида энг хотирали, мўътабар олтин медаллардан бири бўлмиш нишонни — Бразилия маданият ва маориф министрлигининг эсдалик олтин медалини олди. Жаҳоннинг ҳамда Бразилиянинг деярли барча шаҳарларида катта ва кичик, дабдабали ва камсуқум иззат-икром, садоқат туйғулари Пелега ҳамроҳ юради. Худди туғилган куни бир гал у Бразилиянинг Рио-Бранде —ду — Сул штатининг пойтахти Порту Алегрида ўйинга тушди. Шу куни Пеле умрида энг тотли совға олди: матч бошланишидан сал олдин стадионга оғирлиги тўрт юз килограммлик улкан торт олиб киришди. Зим-зиё қоронғулик қўйнида (стадион прожекторлари ўчириб қўйилган эди) Пеле йигирма саккизта шамни галма-галдан ўчирар экан, ўша мунис, ўша фарахли дақиқаларда бутун стадион оёққа туриб Пелега аталган табрик қўшиғини бир овоздан куйлади... Ишқибозлар танаффус пайтида торт-ни беш минутда еб битиришдилар.

Хўш ана шу табрик, эҳтиром туйғуларининг қайси бирини Пеле энг азиз деб билади? Қаерда ва қайси мамлакатда уни айниқса, қизғин кутиб олишди?

«Чамамда бу воқеа бир неча йил бурун Перуда бўлган эди. Бу матч одатдаги ўйинлардан фарқ қилмас эди. Биринчи таймда биз 3:0 ҳисобида ютаётган эдик. тренер менга дам олишни таклиф қилди... Душда ювинишга улгуролдим, команда эса менсиз ўйинни давом эттириш ниятида майдонга тушди. Орадан бир неча минут ўтгач, стадион ходими ҳаяжонланган ҳолда олдимга югуриб келди-ю қайта кийиниб майдонга чиқишимни сўради. Мен аллақачон костюмимни кийиб олган эдим. Қайтадан формани эгнимга илиб майдонга тушдим. Кейинчалик билсак, ишқибозлар менинг йўқлигимни билиб ўриндиқларини, стадионни остин-устун қилишаётган экан. Мухлислар тагларига қўйиб ўтиришлари учун билет билан бирга берилган ёстиқчаларни ёқишар ва майдонга итқитишарди. Енгин чиқиш хавфи туғилди. Матч тўхтатилди, мен яна қайтадан майдонга тушишга мажбур бўлдим...»

Пеле менга ана шу воқеа ҳақида сўзлаб берганда кейин, кўп ўтмай янада ғароийб воқеа содир бўлди. Воқеа Колумбияда бўлиб ўтди. «Сантос» маҳаллий командаларнинг бири билан ўйнар, судья ҳам колумбиялик эди. Биринчи таймнинг ўзидаёқ судья бор кучи билан ватандошларининг ёнини ола бошлади. Пелени жарима майдончасида чалиб йиқитишганлиги учун ўн бир метрлик жарима тўпи бермади, ўйиндан ташқари ҳолатда «Сантос» дарвозасига киритилган голни ҳисоблади... Иккинчи таймнинг бошларига келиб асаблар таранг тортилди, вазият қизиб, қиёмига етиб қолди. Ҳисоб 1:1 бўлганида судья яна бир сотқинлик қилиб, колумбияликларга ён босди. Пеле бу адолатсизликка чидолмай, эътироз билдирган эди судья уни ўйиндан ҳайдаб чиқарди. Худди шу пайт ҳалигача футбол тарихида мисли кўрилмаган ҳолат юз берди: ишқибозларнинг кони қайнаб кетди. Колумбиялик футбол мухлислари Колумбия командасига сотилган, уларнинг ёнини олаётган ўз ватандошлари бўлмиш судьяни тирқитириб қувиб кетишди.

Шовқин-сурон, ур-йиқит бошланди. Уруш-жанжал кўтарилди... Трибуналардан газабли, нафрат тўла қичқириқ тошлари янгради: «Биз манави лўттибоз судьяни эмас, майдонда Пелени, унинг ўйинини кўриш учун пул тўлаганмиз!». Бечора арбитрнинг юз-кўзига, бошига шиша, олма, кесактош потиллаб отилди...

Қисқаси яна қайтараман — футбол тарихида биринчи марта майдондан... судьяни ҳайдаб чиқариб юборишди! Кўлида байрокча тутган қанотдаги судьялардан бири унинг ўрнини олди... Янги судья майдонни Пелени қайтариб туширишга қарор қилди. Пеле гулдурос қарсаклар остида майдонга қайтиб тушди. Матч давом эттирилди, Пеле ўзининг «шахсий» голини киритди. «Сантос» 3:1 ҳисобида ютди. Ишқибозлар ҳам ватандошлари ютқизганига қарамай мамнун бўлиб тарқалишди.

Фақат чет эллагина эмас, балки ўз юртида ҳам «қирол»нинг иззат-ҳурматини жойига қўйишади. Газеталар олий ҳазратларининг кайфияти, чап тиззасининг аҳволи тўғрисида, қироллик менюси, матч олди машғулотлари, қиролнинг иштаҳаси ҳақида мунтазам хабар бериб туришади. Шундай бўлса-да, Пелени Бразилияда дўстона, биродарона, муҳаббат билан севадилар. Бу севги чет эллардаги кўр-кўрона сиғиниш, топинишдан фарқ қилади. «Қирол» ўз уйида суюкли, иззат-икромда, лекин ҳато қилса кечиришмайди ҳам. У матчларни лоқайд, ёмон ўтказса, аёвсиз танқидга учрайди. Бир гал «Сантос» баногоҳ ютқазиб қўйганида ишқибозлар Пелени оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан сўкинишганини ўзим кўрганман. Бу ҳақорат сўзлари ноҳақ, ноўрин ёғдирилаётганини аниқ билар эдим. Чунки, Бразилия, яна аниқроғи — жаҳон футболида Пеледек ишга кўмилган, аёвсиз, шафқатсиз эксплуатация қилинаётган футболчи бўлмаса керак.

Доктор Геслингнинг фикрича, Пеле матчлар орасидаги қисқа танаффус пайтида кучини тиклаб олишга қодир эмас. Бунинг устига «Сантос»нинг ёки терма командасининг ҳар қандай ўйинчисига қараганда у қийинроқ шароитларда ўйнайди. Негаки, ҳимоячилар ҳамиша Пелени кўз-қулоқ бўлиб кузатиб туришади. Фақат кузатиб қолиш билангина чегарала-нишмайди. Англиядаги жаҳон чемпионатида ҳаддидан ошган безорисифат Португалия ҳимоячилари Пелени «овлаш» ганини эсласангиз керак.

Ҳа, Пелени прожекторларнинг чарақлаган шуъласига чўмилган, гувиллаган қарсак, қувонч, қийқириқлар остида ҳурмат шоҳсупасида кўраркансан, жаҳондаги энг яхши футболчининг тақдири бир муваффақиятдан иккинчи муваффақиятга капалакдек учиб ўтиб юрувчи аллақандай голливудлик кино юлдузининг қисматидан фарқ қилишини ўйлайсан киши. Бир куни «Сантос» 2:0 ҳисобида ғолиб чиқди. Матч тугагандан кейин «Маракана»нинг кийим ечиладиган хонасига тушдим. Трибуналарда Пелени кузатиб олган томошабинларнинг қарсаклари ҳамон янграр, шоду хуррамлик тўлқини ҳали тингани йўқ эди. Пеле эса скамейкада кўзларини чирт юмиб беҳол ётарди.

— Жудаям чарчадим, — деди у маюслик билан — Тўғриси, ётдек чарчадим...

«Қирол»нинг атрофида ўралашиб юрган репортерлар Пеленинг бу гаплари фақат ҳозир тугаган матчгагина тааллуқли эмаслигини дарров фахмлашди.

— Биз футбол ўйнаб турибдам оламиз,— гамгинлик билан жилмайди у.— Майдонда югуриб юриб дам олишга ўрганиб қолганмиз. Сабаби, майдон ташқарсида, ҳордиқ чиқариш учун вақтимиз йўқ...



Пеле тўп киритди.

Албатта, Пеленинг футболдан ва уй юмушлари, тирикчилик ташвишидан ҳоли қолган вақтларида ўтказувчи бошқа бир машғулоти ҳақида тўхтаб ўтмасак ҳам бўлмайди. Пеле пластинкаларга ёзиб олинди. «Сантос» ва терма командаларнинг ададсиз сафарлари ва «концентрация»лари пайтида Пеленинг кўлидан ҳеч қачон гитара тушмайди, унинг мусиқий машқлари дўстларининг бегараз ҳазил-мутойибаларига ўз вақтида бўлиб ҳизмат қилади. Албатта у ўзининг кўшиқлари, ҳаҳон фубол тарихида ёзилиб қолгувчи «Фломиненсе» ёки «Жувентус» дарвозасига киритган голлари сингари из қолдиради, деб даъво қила олмайди, даъво қилаётгани ҳам йўқ. Шундай бўлса-да, бу йигитнинг олтин ва шон-шуҳратнинг аёвсиз чиғиригидан безавол ўта олган юмшоқ ва саховатли қалбини футбол майдонларида забт этган унвонларига қараганда ана шу кўшиқлар очиқроқ ва яхшироқ акс эттирса керак.

Агарда дунёни қайта қуролсам,
Мен шундай сиёсат юритар эдим:
Ўт ёқардим ноҳақликнинг уйига,
Муҳтожлик илдизин қуритар эдим.
Уруш-жанжалларни ман этардим, ман...
Майлига ер узра кезсин доимо
Тинчлик ва муҳаббат аталмиш санам.

«Қирол»нинг бошқа яна бир машғулоти ҳам тезда салмоқли даромад манбаига айланиб қолди: гап шундаки, Пеле театр санъатига эҳтирос билан қизиқади. 1968 йил охирида Сан-Паулудаги «Экселсиор» телестанцияси Пеле билан контракт тузди, шу асосда футбол «қирол»и улкан (бир неча юз сериялы) телевизион фильмнинг бош ролларидан бирига таклиф қилинди. Ҳар душанба — «Сантос» футболчиларининг дам олиш куни «қирол» Сан-Паулуга келиб, бошқа планетадан ерга космик кемада учиб келган ўз қаҳрамонлари билан тўкнаш келиб қолувчи илмий фонтастик ва детектив романларининг ёзувчиси қиёфасига киради. Бразилия телевидениесининг муқаддас анъаналарига кўра иш юзасидан, Пеле тўсиқлардан, жарликлардан сакрашга, вертолётлардан парашютларда ёзини ташлашга, океан тубида ва стратосферада ёвузларни таъқиб этишга, сон-саноқсиз душманлар билан муштлашиш ва нозик-нихол гўзалларнинг ҳаётни ва номуси учун курашувчи олийжаноб киши ролини ўйнашга киришади.

Дарвоқе, бу соҳада телезопея ижодкорлари доимо жиддий бир тўсиққа дуч келишяпти: Пеленинг рафиқаси Розе-Мери эрига бу съёмкаларда қатнашишга розилик билдирди-ю, лекин узил-кесил шартлар ҳам қўйди: ярим яланғоч гўзаллар билан ҳеч қандай «эҳтиросли» саҳналарда иштирок этмайди. Продюсерлар бундан унчалик хурсанд эмаслар, лекин бир нима дейишга ҳам ботинишга олмаяпти, негаки улар Розе-Мериннинг шартаки табиатини яхши биларшади. Бундан бир ярим йил илгари у қандайдир чет эллик кинокамера рицарининг Брижит Бардо иштирок этадиган ва эркак ролида Пеленинг ўйнаши керак бўлган севги саргузаштлари ҳақидаги фильмда эрининг қатнашишини қатъиян рад этиб ташлади.

Телевизион фильмларнинг дастлабки ўнлаб сериялариға қараб ҳукм чиқариладиган бўлса, тажриба анча муваффақиятли кўчди: фильм томошабинлар орасида ҳанг-манг қолдирувчи даражада машҳур бўлиб кетди. Яқин орада бу фильм бир нечта чет мамлакатларга сотилиши кутиляпти. Бу воқеанинг асосий ижобий томони шундаки, ҳаҳон телевиденеси экранида биринчи марта негр, пойафзал тозаловчи, бандит ёки маънавий бузуқ, эси паст шахс сифатида эмас, таққирланганларни ҳимоя қилувчи оқил, дадил, дилкаш, бақувват курашчи қиёфасида кўринади. Контрактда махсус келишиб олинган шартномага кўра, Пеле фақат ана шундай ролларни ўйнайди... У иштирок этган телефильмлар саҳийлик, адолат, инсоний ҳақ-ҳуқуқларни ҳимоя қилиш гояларини олдинга суриши лозим. Янги касби Пелени шунчалик ўзига ром қилиб олдики, у футболни тарк этгандан кейин чинакам актёр бўлишни жиддий ўйлаб юрибди.

Шундай қилиб, ҳозир «қирол» ўз шуҳрати, муваффақияти ва моддий таъминотининг чўққисида турипти, шу билан бирга 1958 йилдан бери жаҳонни фақат финтлари ва зарбалари билангина эмас, ажиб бир камтарлиги, очиқ кўнгиллиги, содда табиати билан ҳам қойил қолдираяпти... Лекин у нимага интилган, нимани орзу қилган бўлса, барчасига эришдим, деб ҳисобларминкан? Яқинда мен унга ана шу саволни берганимда, Пеле кулиб юборди ва афсуски, шу пайтгача дил-дилига тугиб юрган орзуси — матч бошланишини англатувчи ҳуштак чалиниши биланоқ майдон марказидан туриб рақиб дарвозасига тўп киритишдек орзусига ета олмаганлигини айтди...

Кейин у жиддийлашди, ўйланиб қолди ва овоз чиқариб фикрлаётгандек астагина гапирди:

— Менимча дилингга тукан ҳамма орзуингга эришиш ҳеч ам мумкин эмас экан... Чунки одамзотнинг орзуси беадад. Киши ҳар гал олдинда турган нималаргадир талпинади, интилади....

Мен футбол ўйнашни орзу қилувдим, бироз оёғим келиб қолганга ўхшайди. Тўғри, менинг омадим бор экан, яхши тренернинг қўлига тушдим, дўстларимни топдим, яхши командада ўйнадим...

Узим севган, ҳозир ҳам жонимдан ортиқ кўрган қизга уйландим. Ўртада қизчамиз бор. Чамаси бундан ортиқ нарсани орзу қилиш ҳам ноинсофлик бўлар эди. Лекин шундай бўлса-да, нимага интилган ва интилаётган бўлсам, шуларнинг ҳаммасига етишдим, эришдим деёлмайман. Ҳали энг асосийси олдинда: болаларимни катта қилиб, уларга тарбия беришим керак... Ахир ҳали қизимнинг укалари ва сингиллари туғилади деган умидим бор... Қачонки улар оёққа туриб олишса, маълумотли бўлишса, мустақил ҳаёт кечира олишсагина, фақат шундан кейингина нималарни орзу қилган бўлсам шуларга етишдим, дея оламан.

[Давоми бор].

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 19.XII да **Темур Малик**, **Сув ҳақида достон**, **Тирик аланга**, 20.XII да **Рус кишилари** (кундузи), **Севги тумори** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19.XII да **Олтин девор**, 20.XII да **Аяжонларим** (кундузи), **Шоҳ Эдип** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19.XII да **Менинг жаннатим**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«ЯНГИ УЧРАШУВЛАР»** ёшлар коллективи ансамблининг гастроллари (олдиндан билет сотиш кассаси очиқ).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА
21, 23 ДЕКАБРДА

ГУЛОМ ЗАФАРИЙ асари — Н. ХАЛИЛОВ ва Ўзбекистон ССР халқ артисти С. КАЛОНОВ музикаси

«ҲАЛИМА»

3 пардали, 8 кўринишли музикали драма.
Постановкачи режиссёр—СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти, лауреати Р. ХАМРАЕВ.
Дирижёрлар—Н. ХАЛИЛОВ, Э. ТОШМАТОВ.
Рассом—Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. ВИЗЕЛЬ.
Балетмейстер—О. НАЗРУЛЛАЕВ.
Хормейстер—К. САГДУЛЛАЕВ.
Концертмейстерлар—М. ФУРМАН, А. МАЛИНА.
Режиссёр ассистенти—Р. МУҲИТДИНОВА.
Спектакль кеч соат 7 да бошланади.

Кино

19 ДЕКАБРДА

Ажойиб характер —«ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК», «ВОСТОК» (кечқурун).

Филателистнинг ўлими — «МОСКВА» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Гитарали қаллоб —«СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (кечқурун).

Қизил майдон (2 серия) — «ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Италиялик Америкада —САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Сайқа (ўзбек тилида)—НАВОИЙ номли (кечқурун).

20 ДЕКАБРДА

Ажойиб характер —«ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Филателистнинг ўлими —«МОСКВА» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10, 11.45 ва 1.30 минутларда).

Гитарали қаллоб —«СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Қизил майдон (2 серия) — «ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Италиялик Америкада—САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Сайқа (ўзбек тилида) —НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА КУНДУЗИ НАМОЙИШ ҚИЛАДИГАН СПЕКТАКЛЛАРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ:

1/I да—ОЛТИН ДЕВОР.
2/I да—МИРЗО УЛУҒБЕК.
3/I да—ПАРВОНА.
4/I да—БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ.
5/I да—ОЛТИН ДЕВОР.
6/I да—АЛИШЕР НАВОИЙ.
7/I да—МИРЗО УЛУҒБЕК.
8/I да—АЯЖОНЛАРИМ.
9/I да—ОЛТИН ДЕВОР.
10/I да—ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ.
Спектакллар кундуз соат 12 да бошланади.

29 декабрь кундуз соат 2 да Тошкент қишлоқ хўжалик институти ўсимликлар ҳимояси ва ипакчилик факультетларининг илмий совет кенгашида биология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун **Х. Р. Мирзалиева** «Ящил барг ўровчиси, унинг энтомофаглари ва бу энтомофагларнинг Ўзбекистонда келтириладиган фойдасининг ошириш йўллари» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан институт кутубхонаси (Тошкент область, Оржоникидзе райони, «Институт» алоқа бўлими)да танишиш мумкин.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА 28 ДЕКАБРДАН 10 ЯНВАРГАЧА

ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ, ЎРГАТИЛГАН ОТЛАР, АНИҚЛАР, ИТЛАР иштирокида

«ЦИРКДА АРЧА»

ТОМОШАЛАР: кундуз соат 12, 3 ва неч 6 да кўрсатилади.
Касса ҳар куни эрталаб соат 11 дан очиқ.
Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

ТЕЛЕВИЗОР

19 ДЕКАБРЬ

ШАНБА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

16.55 Кўрсатувлар программаси. **17.00** «Ахборот» информацион программаси (рус тилида).

Ўзбек тилида: 17.10 Кичкинтойлар учун. «Бойчечак» программаси. **17.40** Болалар учун. Мультфильм. **18.10** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истиқбол эгалари». Тележурнал. **19.00** «Ахборот» информацион программаси. **19.15** «Толеимиз таронази». Концерт. **19.55** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 Интервидение. Рангли телевидение. Фигурали учиш бўйича Москва халқаро турнири (кўргазмали чиқишлар). **21.00** Интервидение. «Алло, ёш талантлари излаймиз». **22.30** «Вақт» информацион программаси. **23.00** Рангли телевидение программаси. **00.30** Халқаро программа. **01.00** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КУРСАТАДИ

16.00 Молдавия рассомлари. **16.30** Эфирда «Молодость» **17.00** Интервидение. «Экран дўстларни чорлайди». СССР—ГДР. **18.00** Халқ телевизион университети. Фан факультети. **18.40** Янгиликлар. **18.45** Маданият факультети. **19.30** Рангли телевидение. «Болалар қордан ясайдилар». Телевизион фильм. **19.55** Янгиликлар.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 Озиқ-овқат индустрияси. **20.15** «Чашма» Халқ оғзаки ижоди программаси. **20.55** «Ўлик мавсум». Бадиий фильм, 1—2-серияли.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ДУШАНБА КУРСАТАДИ

18.00 Экран—болаларга. **18.45** Спорт дарғоҳида. **19.00** Янгиликлар. **19.15** Ҳужжатли фильм. **19.40** КПСС ХХIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА. «Зарбдор меҳнат». **20.00** Москва кўрсатади.

ДУШАНБА КУРСАТАДИ

21.00 Оқшом эртаклари. **21.10** Концерт. **22.00** Янгиликлар. **22.15** Поэзия кечаси.

20 ДЕКАБРЬ

ШАНБА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

9.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида: 10.00** Болалар учун. Мультфильм. **10.20** Кичкинтойлар учун. «Ўйлаб топ». **10.50** «Қизил шайтончалар». Бадиий фильм.

Ўзбек тилида: 12.00 Болалар учун. Телевизион театр. М. Норматов. «Синфдошлар». **17.55** Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 Болалар учун мультфильм. **18.20** «Ахборот» информацион программаси.

Ўзбек тилида: 18.40 «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. «Газалхон ёшлигим». **19.30** «Генерал Раҳимов». Бадиий фильм. **21.15** «Ахборот» информацион программаси. **21.35** ХАЛҚ ЖАСОРАТИ ИЛҲОМАСИ. «Қарши кундалиги». **21.45** Санъат усталари. Саодат ҚОВИЛОВА. **23.00** Кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА УҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

10.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия (ўзбек тилида). **11.00** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия (рус тилида).

МОСКВА КУРСАТАДИ

12.00 Кўрсатувлар программаси. **12.05** Болаларнинг эрталабки гимнастика машғулотлари. **12.15** Янгиликлар. **12.30** Ўқувчилар учун. «Будильник». **13.00** «Коммунист ва давр». **13.15** Рангли телевидение. «Аргимчоқ». **14.00** Хоккей бўйича СССР чемпионати. СКА (Свердловск) — «Динамо» (Москва). **15.45** Давлат мукофоти лауреати Бибигул Тулегенова куйлайди. Олмаотадан олиб кўрсатилади. **16.15** Рангли телевидение. Мультфильм. **16.30** Рус музейи билан учрашувлар. **17.00** **17.00** «Пеппи—узун пайпоқ». Спектакль. **19.20** Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун. Киножурнал. **19.30** Музикали киоска. **20.00** Рангли телевидение. «Киносаёҳатчилар клуби». **21.00** Янгиликлар. **21.05** Қишлоқ меҳнаткашлари. Иттифоқдош республикаларнинг Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўриги. Латвия. **21.30** Музикали учрашувлар. **22.00** Рангли телевидение. КВН—70. **23.45** «Вақт» информацион программаси. **00.15** Москва кўрсатувларининг охири. **17.00** ФРУНЗЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ КУРСАТУВЛАРИ.

РАДИО



19 ДЕКАБРЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.20 Ўйғур куйлари. **17.50** «Партия ходими мисоли». «Коммунистик тарбия—диққат марказида». Нарпай район партия комитетининг секретари Э. Эдаев сўзи (ўзбекча).

18.00 Чўлқувардар учун концерт. **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Ўзбек операларидан парчалар. **20.00** «Ленинном» программаси (русча). **20.30** Бахт қўшиқлари. **21.00** «Қардош социалистик мамлакатларда» (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.30** «Навоий Астрободда» музикали драмасининг монтажи. **24.00** Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 С. Шокаримов. «Соялар чайқалади» повестидан парча (ўзбекча). **19.30** Ўзбекистон шоирларининг шеърлари (русча). **20.00** Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. **20.30** СССР халқларининг қўшиқлари. **20.50** Г. И. Корнаков. «Гидроэнергетика истиқболлари». Ленинча ГОЭЛРО планининг 50 йиллигига (русча). **21.00** Эстрада-рақс концерти. **21.40** «Тошкент трактор йигув заводидан репортаж (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 Ўйғур. «Қалтис ҳазил» радиопостановкаси (русча). **19.00** «Дугоналар» радиожурнали.

20 ДЕКАБРЬ

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.45** «Мактаб ва жамоатчилик» (ўзбекча). **8.25** «Биз тонгги қўшиқлар билан қаршилаймиз». **9.30** Шарқ куйлари. **10.10** «Табассум» радиожурнали. **11.35** Шўх концерт. **12.15** «Эрталабки салом!» (Москва). **13.30** Эстрада оркестри ва ансамблари чалади. **15.00** Иқтисодий билимлар университети. «Ҳўжалик ислоҳоти—ишлаб чиқариш самарадорлигининг қудратли воситаси». Суҳбат (ўзбекча). **15.10** Халқ талантлари концерти. **16.10** Радио эшитувчиларининг талабларига мувофиқ. Ў. Умарбеков, «Одам бўлиш қийин» романи асосида радиопостановка. Иккинчи қисм (ўзбекча). **17.40** Экран янгиликлари.

18.00 Музикали глобус (ўзбекча). **18.40** П. Чайковский. «Ромео ва Жульетта» увертюра-фантазияси. **19.20** Лирик концерт. **20.00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **21.00** «Мамлакат ва қитъаларда» (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кечки концерт. **22.20** «Табассум» радиожурнали. Такрорий эшиттириш. **23.00** «Дам олиш соатида». Концерт. **24.00** Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Таниқли ижрочилар концерти. **9.15** Реклама ва эълонлар.

19.00 «Ленинном» программаси (русча). **19.30** Классик куйлардан дам олиш концерти. **20.00** «Юность» радиостанциясининг программаси (Москва). **21.30** Дам олиш концерти (тожикча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Ўзбек операларидан саҳналар. **17.00** «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. **17.40** «Композитор Рауф Муртазин». Музикали эшиттириш. **19.00** «Табассум» радиожурнали.

Тошкент оқшоми 4 бет. 19 ДЕКАБРЬ, 1970 И.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95, эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579. НАШР 3185. Р. 16944